



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Адилов Бахрамбек Кахраманович*

ИИБ Академияси Жиноятчиликка қарши курашиш
фаолияти факультети бошлиғи в.б.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10469469>

ARTICLE INFO

Received: 31th December 2023

Accepted: 07th January 2024

Online: 08th January 2024

KEY WORDS

Жиноят-ижроия ҳуқуқи, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ тузатиш муассасалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институти, жазони ижро этиш тизими, пенитенциар, тамойил, жиноий жазо, маҳкум, қонун, ҳуқуқ, кодекс.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш амалиётида амалга оширилатган ислоҳотлар, юзага келатган муаммолар, жазони ижро этиш фаолияти тамойиллари тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши ҳақида фикрлар юритилган, шунингдек жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш бўйича таклифлар ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишни тартибга солувчи жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар берилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Тизимдаги ўзгаришлар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни ижро этувчи муассаса ва органлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш билан бирга олиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш амалиётида пенитентциар қонунчиликка қабул қилинган ўзгартишларнинг инсонпарварлик мазмуни ва турғун даврда шаклланган ҳуқуқни қўллаш механизми, ахлоқ тузатиш муассасалари ходимларининг иши ўртасида сезиларли зиддият мавжуд эди. Ҳозиргача инерция бўйича ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишнинг соф

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.



ҳуқуқий усулларига (рухсатномалар, тақиқлар, мажбуриятлар) асосланган жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг инструментал, махсус-ҳуқуқий механизми қўлланилади. Бошқа ёндашувлар, хусусан, халқаро пенитенциар амалиётида кенг қўлланиладиган ижтимоий, педагогик ва психологик ёндашувлар ҳуқуқни қўллаш механизмида тўлиқ қўлланилмапти.

Шу муносабат билан, жазони ижро этиш тизимида ҳуқуқий, ижтимоий, педагогик ва психологик ёндашувлар уйғунлиги асосида қурилган жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг умумий механизми ривожланмапти. Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларнинг фаолияти амалиётида шахсий таркибнинг фаолияти маҳкумларнинг манфаатларига, уларнинг қайта ижтимоийлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш усулларини танлашига мос келмайди. Бунинг натижасида ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятида бир қатор номақбул ҳодисалар, жумладан, ижтимоий ҳаракатсизлик, маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашув жараёнига қарши туриши ва ҳоказолар кузатилмоқда [1; С. 26].

Ҳозирги кунда жазони ижро этиш тизимидаги реал ўзгаришлар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг қонуний ҳуқ-атворини танлаш, уларга жазони ўташлари учун қулай шароитлар яратилганда рўй бериши яққол англаб етилмоқда. Европа пенитенциар қоидаларининг янги таҳрири маҳкумларнинг энг заиф тоифаларини ҳимоя қилишни, ёш маҳкумларни қариялардан ажратишни, жисмоний тарбия

ва спорт, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароит яратиш, маҳкумларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жазони ўташ жойини белгилашда улар билан маслаҳатлашиш, режим шароитларини белгилаш ва бошқаларни талаб этади.

Ходимлар ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларнинг ижтимоий фойдали мақсадларга эришишдаги мувозанатсиз фаолияти ахлоқ тузатиш муассасасидаги вазиятга, жиноятларнинг такрорланиши даражасига сезиларли даражада таъсир қилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш механизмидаги муаммолар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказди ва пировардида жиний жазонинг мақсадларига эришишга таъсир қилади.

Бу муаммоларни ҳал этиш ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятининг мавжуд амалиётини назарий жиҳатдан умумлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишни тартибга солувчи жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шундай қилиб, тадқиқот мавзуси жиноят-ижроия ҳуқуқ назарияси ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш амалиёти нуқтаи назаридан долзарб ва аҳамиятлидир.

Бугунги кунда энг долзарб муаммо – амалдаги қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўлиб, унинг муҳим жиҳати, татбиқ этишнинг самарали механизмини яратиш бўлиб, унинг ёрдамидагина белгиланган мақсадларга эришиш мумкин. Жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми муаммосини ҳал этиш маҳкумларнинг қонуний фаолиятида уларнинг хатти-ҳаракатларини ўз-ўзини



тартибга солиш даражасида мужассамланиши керак. Бироқ, бундай натижа аста-секин амалга

ошади – жазони ижро этиш муассасаларида жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслик ёки уларнинг бузилиши кузатилмоқда.

Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми унинг динамикасини, ҳаракатини белгилайди, уларсиз фуқароларнинг қонуний фаолияти бўлиши мумкин эмас. Бу айниқса, жиноят-ижроия ҳуқуқ нормалари учун долзарб бўлиб, ушбу нормаларнинг вазифаси маҳкумларда инсонга, жамиятга, меҳнатга, нормаларга, инсоний турмушга ҳурмат муносабатларини шакллантиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш амалиётида пенитенциар қонунчиликда қабул қилинган ўзгартишларнинг инсонпарварлик мазмуни ва турғун даврда шаклланган ҳуқуқни қўллаш механизми, ахлоқ тузатиш муассасалари ходимларининг иши ўртасида сезиларли зиддият мавжуд эди. Ҳозиргача инерция бўйича ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишнинг соф ҳуқуқий усулларига (руҳсатномалар, тақиқлар, мажбуриятлар) асосланган жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг инструментал, махсус-ҳуқуқий механизми қўлланилади. Бошқа ёндашувлар, хусусан, халқаро пенитенциар амалиётида кенг қўлланиладиган ижтимоий, педагогик ва психологик ёндашувлар ҳуқуқни қўллаш механизмида тўлиқ қўлланилмапти.

Шу муносабат билан, жазони ижро этиш тизимида ҳуқуқий, ижтимоий, педагогик ва психологик ёндашувлар уйғунлиги асосида қурилган жиноят-ижроия ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг умумий механизми ривожланмапти.

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларнинг фаолияти амалиётида шахсий таркибнинг фаолияти маҳкумларнинг манфаатларига, уларнинг қайта ижтимоийлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш усулларини танлашига мос келмайди. Бунинг натижасида ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятида бир қатор номақбул ҳодисалар, жумладан, ижтимоий ҳаракацизлик, маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашув жараёнига қарши туриши ва ҳоказолар кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда жазони ижро этиш тизимидаги реал ўзгаришлар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг қонуний хулқ-атворини танлаш, уларга жазони ўташлари учун қулай шароитлар яратилганда рўй бериши яққол англаб етилмоқда. Европа пенитенциар қоидаларининг янги таҳрири маҳкумларнинг энг заиф тоифаларини ҳимоя қилишни, ёш маҳкумларни қариялардан ажратишни, жисмоний тарбия

ва спорт, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароит яратиш, маҳкумларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жазони ўташ жойини белгилашда улар билан маслаҳатлашиш, режим шароитларини белгилаш ва бошқаларни талаб этади.

Ходимлар ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларнинг ижтимоий фойдали мақсадларга эришишдаги мувозанатсиз фаолияти ахлоқ тузатиш муассасасидаги вазиятга, жиноятларнинг такрорланиши даражасига сезиларли даражада таъсир қилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш механизмидаги муаммолар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган



шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказди ва пировардида жиноий жазонинг мақсадларига эришишга таъсир қилади.

Бу муаммоларни ҳал этиш ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятининг мавжуд амалиётини назарий жиҳатдан умумлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишни тартибга солувчи жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жазони ижро этиш тизимида таълим муассасаларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинди, маҳкумларни ўқитиш жараёнига инновацион педагогик технологиялар жорий этилди, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва касб-хунарга эга бўлмаган маҳкумларни касбий тайёрлаш механизмлари қайта кўриб чиқилди.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, маҳкумларни назорат қилишнинг замонавий техника воситаларини, шунингдек, улар учун масофали видео-учрашув ташкил этиш имконини берувчи видеоконференция тизимини жорий этиш ва қўллаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойилларини таҳлил қилишдан аввал тамойил тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритиш талаб этилади.

Тамойил тушунчаси латинча “*principium*” сўзидан олинган бўлиб, “асос”, “негиз”, “ибтидо” маъносини англатади. Луғавий маъносига кўра, тамойил деганда, бирор назария, таълимот, дунёқараш ва шу кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида; ҳуқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгиладиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак тушунилади [2;Б-309].

Жазони ижро этиш фаолияти тамойиллари унинг моҳиятини ифодаловчи асосий жиҳатлардан бирини, асл ўзагини ташкил этади. *Жазони ижро этиш фаолияти тамойиллари* деганда, кенг маънода: жазони ижро этиш тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ҳуқуқий қоидалари; тор маънода: жазони ижро этишга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва жиноят-ижроия қонунчилиги тавсифи бўйича давлатнинг асосий ҳуқуқий қарашларини ифодаловчи раҳбарий ҳуқуқий қоидалар тушунилади.

Мазкур раҳбарий қоидалар жазони ижро этувчи субъектларнинг бутун фаолияти учун йўналтирувчи машъал бўлиб хизмат қилади. Кундек равшанки, жазони ижро этиш тизимининг барқарорлиги ва самарадорлиги унинг тамойилларига риоя этиш даражасига бевосита боғлиқ.

Тамойиллар, одатда, бевосита қонун ҳужжатларида мустаҳкамланади, баъзан ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиқади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жиноий жазони ижро этиш соҳасида юзага келадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва психологик-педагогик муаммолар мажмуаси, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш жараёнида юзага келадиган йўналиш ва қонуниятлар соҳа фанининг предметига қуйидаги бир қатор асосий элементларни киритиш имконини беради. Бинобарин, мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилаётганда уни ислоҳ қилишнинг мумкин бўлган



вариантларини кўриб чиқишда жамиятда содир бўлган ижтимоий ўзгаришлар, унинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши, мафкура ва маънавият ҳолати, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларнинг ривожланиш тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинади. Бундан ташқари, таҳлилга қуйидагилар киради: жиноят динамикаси ва тузилиши, олдинги тарихий тажриба, бутун аҳолининг ҳуқуқий онг даражаси ва унинг индивидуал гуруҳи, сиёсий партияларнинг позициялари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари назарий тараққиёт даражаси ва илмий фикрнинг ҳолати.

Россиялик олим А.А.Телегин жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг хулоса ва тавсиялари фақат жазони ижро этиш қонунчилигининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги билимларга асосланиши мумкин, деб ҳисоблаш хато эканлигини илгари суради. Ўтмишни ўрганиш бугунги кунни билиш, келажакни башорат қилиш ва тушуниш учун асос бўлиши мумкин ва шунинг негизида фаннинг ривожланишига, пировардида назарий фикрни янада ривожлантириш истиқболларини чуқурроқ англаш, жазоларни ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга олиб келади. Жазони ижро этиш ва ахлоқ тузатиш муассасалари фаолияти муаммоларини ишлаб чиқиш, қоида тариқасида, қиёсий тарихий таҳлил билан бирга олиб борилади, унинг натижалари илмий тадқиқотларда салмоқли далиллар бўлиб хизмат қилишини эътироф этади [3;С-14].

Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, жазо ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ ва ижро этишнинг муқаррарлиги, жазо ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, қонунга итоаткор ва фаол ижтимоий фойдали хулқ-атворини рағбатлантириш, уларга нисбатан мажбурлов ва ресоциализация қилиш воситаларини оқилона қўллаш, жазо ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларининг ижросини маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта ижтимоийлаштириш билан биргаликда олиб бориш тамойилларига асосланади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари тамойилларининг тавсифини ёритишдан олдин тамойил тушунчасининг моҳиятини қисқача ёритиб ўтамиз.

Биз ўтказган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, қуйидагиларни жиноят-ижроия қонунчилигининг тамойиллари сифатида баҳолаш мумкин:

- 1) қонунийлик тамойили;
- 2) адолатпарварлик тамойили;
- 3) инсонпарварлик тамойили;
- 4) жазонинг муқаррарлиги тамойили;
- 5) жазони ижро этиш ва жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини фарқлаш ва индивидуаллаштириш тамойили;
- 6) давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик тамойили;
- 7) маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги тамойили;



8) маҳкумларнинг ҳуқуқий ва фаол фойдали хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш тамойили;

9) маҳкумларга мажбурий воситалар ва қайта ижтимоий мослашувдан фойдаланиш тамойили.

Ўтказилган илмий таҳлиллар ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда, жинойт-ижроия қонунчилиги тамойилларининг тавсифини баён этамиз.

Қонунийлик тамойили хусусияти: маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларга нисбатан қўлланилган жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ, ижро этиш тартиби ва шартлари, шунингдек жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқачораларини ижро этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари Жинойт-ижроия кодекси билан белгиланади. Жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқачораларини ижро этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига риоя этишга асосланади ҳамда уларнинг маъмурияти қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун масъулдир. Маҳкумларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилиши, шунингдек жазолар ва жиноий-ҳуқуқийнинг бошқа таъсир чораларини ўташ, ижро этиш тартиби ва шартларини белгиловчи қонун ҳужжатларидан фойдаланиши учун шароит яратилиши шарт. Маҳкумлар жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ, ижро этиш тартиби ва шартларини белгиловчи қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга мажбурдир.

Адолатпарварлик тамойили хусусияти: Маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган чоралар одилона бўлиши, яъни содир этилган жинойтнинг ва суд томонидан тайинланган жазо, жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чорасининг оғир-енгиллигига, жазо, жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чорасини ўташ давридаги хулқ-атворига мувофиқ бўлиши керак. Маҳкумларнинг ёши, жинси, ўрнатилган режим талабларига риоя этиши ва хулқ-атвори, меҳнат ва таълимга бўлган муносабати, тарбиявий тадбир ва ресоциализация дастуридаги иштироки, шунингдек содир этган жинойтининг тури, ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, жинойти натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаганлиги қонунда назарда тутилган ҳуқуқларининг кенгайиши ёки чекланишида ҳисобга олинади. Мансабдор шахслар томонидан маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий чораларни қўлланилиши адолатли ва Жинойт-ижроия кодексига асосланган бўлиши шарт.

Инсонпарварлик тамойили хусусияти: Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари маҳкумларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тан олиш, ҳурмат қилиш ва уларни ҳимоя қилишга асосланади. Жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш инсон ҳуқуқларини таҳқирлаш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш мақсадини кўзламайди.

Жазони ижро этиш ва ўташнинг муқаррарли тамойили хусусияти: Суд томонидан шахсга нисбатан жазо ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилганда жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар уни ижро этиши шарт.



Жазони ижро этиш ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини табақаллаштириш ва индивидуаллаштириш тамойли хусусияти: Жазолар, жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ ва ижро этиш маҳкумларнинг ёши, жинси, ўрнатилган режим талабларига риоя этиши ва хулқ-атвори, меҳнат ва таълимга бўлган муносабати, тарбиявий тадбир ва қайта ижтимоийлаштириш дастуридаги иштироки, шунингдек содир этган жиноятининг тури, ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, жинояти натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаганлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Жазолар, жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари ва Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган интизомий чоралар маҳкумнинг ўзига нисбатан қўлланилади. Маҳкумларга нисбатан жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларининг қўлланилганлиги бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари чекланишига ёки улардан маҳрум этилишига ёхуд уларга мажбурият ва чекловлар юклатилишига сабаб бўлиши мумкин эмас.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик тамойили:

Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари маҳкумларни ресоциализация қилишда Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган ҳолларда жалб этилиши мумкин. Жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқачораларини ижро этувчи органлар ва муассасалар фаолиятини ошқоралик ва шаффофлик асосида жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги тамойили: Жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ жараёнида маҳкумлар жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, эътиқоди, дини, сиёсий қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, мулкӣ ва бошқа ҳолатидан қатъи назар, суднинг ҳукмига кўра маҳрум этилган ва чекланган ҳуқуқларидан ташқари бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдир. Маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги уларнинг ёши, жинси, ўрнатилган режим талабларига риоя этиши ва хулқ-атвори, меҳнат ва таълимга бўлган муносабати, тарбиявий тадбир ва ресоциализация дастуридаги иштироки, шунингдек содир этган жиноятининг тури, ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, жинояти натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаганлиги жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ўташ тартиби ва шартлари бўйича дифференциал ёндашувни истисно этмайди.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ва фаол фойдали хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш тамойили: Қонунга итоаткор хулқ-атворли, шунингдек ўрнатилган режим талабларига риоя этиши, меҳнат ва таълимга бўлган муносабати, тарбиявий тадбир ва ресоциализация дастуридаги иштироки бўйича ўзини ижобий томондан намоён этиб келаётган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши шарт.



Маҳкумларга мажбурий воситалар ва қайта ижтимоий мослашувдан фойдаланиш тамойили: Маҳкумларга нисбатан мажбурлов ва қайта ижтимоийлаштириш воситалари Жиноят-ижроия кодексида белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолда қўлланилади.

Фикримизча, жиноят-ижроия қонунчилиги тамойилларининг хусусиятининг аниқ ёритилиши ва Жиноят-ижроия кодексида белгиланиши жазони ижро этишга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишига самарали хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислохотларнинг туб негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва халқ фаровонлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш масаласи турибди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлардан энг йирик ва аҳамиятлиси бу суд-ҳуқуқ ислохотларидир. Бу жараёнда жиноят-ҳуқуқий соҳада жиноят қонунига киритилаётган ўзгартиришлар ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, амнистия ва ярашув институтларини қўллаш, пробация хизматини жорий этишнинг янада кенгайтирилганлиги катта аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, хусусан маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг тамойиллари битта модда доирасида тартибга солинган. Жумладан, Жиноят-ижроия кодексининг “Умумий қоидалар” номли 1-бобининг 6-моддаси жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг тамойилларига бағишланган бўлиб, унга кўра жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш тамойилларига асосланади.

Кўриниб турибдики, миллий қонунчиликда жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг 7 та тамойили белгиланган:

- 1) қонунийлик;
- 2) адолат;
- 3) инсонпарварлик;
- 4) демократизм;
- 5) жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш;
- 6) мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш;



7) маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш тамойили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарори билан 2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Ушбу Концепцияда жиноят-ижроия қонунчилигида фойдаланиладиган атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъносини аниқ ифодалаш ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш (1.3-банди), жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг тамойиллари, тартиби ва шартларини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш (1.5-банди) каби вазифалар назарда тутилди.

Жиноят-ижроия ҳуқуқ қонуннинг ҳимоя нормаларини қўллаш тезиси исботланган бўлиб – бу озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органларнинг маҳкумларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини ҳимоя қилиш, олдини олиш ва олдини олишга қаратилган, жиноят-ижроия нормаларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга кўмаклашувчи, бузилган ҳолатни тиклашга, субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолиятидир.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишда жиноят-ижроия ҳуқуқининг ҳимоя меъёрларини қўллаш муаммолари барча профилактик ҳаракатлар тизими – криминал профилактик чоралари ва жазо чоралари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Мажбурлаш чораларини қўллаш механизми, агар улар ишонтириш, рағбатлантириш, оқилона қўллаш усуллари билан бирлаштирилса ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларнинг хатти-ҳаракатларини тегишли тузатиш билан яқунланса самарали бўлади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойилларига доир нормаларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, Жиноят-ижроия кодексининг Умумий қисмини «Асосий тушунчалар» номли модда билан тўлдириш, унда Кодексда фойдаланилган асосий тушунчаларнинг таърифларини келтириш, хусусан қуйидаги тушунчани белгилаш: “*жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойиллари* – жазони ижро этишга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва жиноят-ижроия қонунчилиги тавсифи бўйича давлатнинг асосий ҳуқуқий қарашларини ифодаловчи раҳбарий ҳуқуқий қоидалар”;

иккинчидан, Жиноят-ижроия кодексининг Умумий қисмини “Жиноят-ижроия қонунчилиги тамойиллари” номли боб билан тўлдириш, унда жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳар бир тамойилининг мазмун-моҳиятини алоҳида моддада баён этиш;

учинчидан Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

6-модда. Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойиллари.



Хулоса қилиб айтганда, илгари сурилган таклифларнинг инобатга олиниши жиноят-ижроия қонунчилигининг жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойилларига доир нормаларини янада такомиллаштиришга, ундаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишга, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилишга хизмат қилади.

References:

1. Евстегнеева Е.Ю. Механизм реализации норм уголовно-исполнительного права, регулирующих исполнение наказания в виде лишения свободы. Автореф. дисс.к.ю.н. Академии права и управления Федеральной службы исполнения наказания. – М. С. 26.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 309.
3. А.А.Телегин Методологические и организационно-правовые основы науки уголовно-исполнительного права. Автореф. дисс. на соискание ученой степени док. юр. наук. Москва. 2005. С. 14.